



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил  
1 февраль  
ЧОРШАНБА  
№ 9  
(11.812)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

## 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Паркент тумани марказий шифохонаси капитал таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун қарийб 80 миллион сўм маблағ сарфланди. Лабораториялар ва муолажа хоналари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Бу Ҳомийлар ва шифокорлар йилида туман ахли учун ҳақиқий тўхфа бўлди.

Шифохонада 5 тоифадаги шифокор ва ҳамширалар меҳнат қилмоқда. 17 та тез тиббий ёрдам машинаси кечаю кундуз беморлар хизматида.

Вилоятда бу тизимни ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга қўллаб-қувватлов келтириш мумкин. Ана шулардан яна бири Бўстонлик туманидаги 80 ўринли туғриқ мажмуасидир. Яқинда ушбу мажмуа ҳам капитал таъмирдан чиқарилиб, ёш оналарни қабул қила бошлади.



## ДАСТЛАБКИ ТУҲФА



СУРАТЛАРДА: Бўстонлик тумани туғриқ мажмуи ҳамшираси Гулчехра Очилова; Паркент тумани марказий шифохонаси қабул ва диагностика бўлимининг ташқи кўриниши. С. ЗУФАРОВ (ЎЗА) ва ЕРКЕБОЙ БОТИРОВ олган суратлар.

## Яна тўловлар ҳақида

### ХИЗМАТГА ТУҲМАТ БЎЛМАСИН

Электр энергиясини истеъмол қилувчилар томонидан хизмат ҳақини вақтида тўламаслиги «Тошкент электр тармоқлари» очик акциядорлик жамиятининг молия-ҳўжалик фаолиятига, айна вақтда солиқлар тушумига салбий таъсир қилмоқда.

Ҳозирги даврда халқ ҳўжалигининг у ёки бу тармоғини электр қувватисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Хар бир хонадоннинг кўп қиррали хизматларидан баҳраманд бўлмоқда. Агар қандайдир сабаб билан электр қуввати бир кун бўлмай қолса, ишлаб чиқариш издан чиқади, хонадонларда ноқулайликлар юзага келади.

Ҳозирги қиш-қировли кунларда бундай ҳолатларнинг содир бўлиши табиийдек кўринади. Лекин бундай узиллишлар кўп ҳолларда электр қувватидан фойдаланувчиларнинг айби билан юз бермоқда. Уйларни ёритишдан ташқари иситиш учун электр асбобларини ишлатиш тармоқлар ва трансформаторларнинг зўриқишига олиб келмоқда. Оқибатда кўпинча куйиб қолмоқда.

Юзага келган шу каби бошқа муаммоларни бартараф этиш муайян маблағ ва вақт талаб қилмоқда. Шундай ҳолатлар юз бермаслиги учун электр энергиясини ҳосил қилишнинг ўзига яраша машаққатлари борлигини эсдан чиқармаслик, тежаб-тергаб ишлатиш, ортиқча исроф бўлишига йўл қўймаслик лозим. Тўловни асло кечиктирмаслик, пайсалга солмаслик зарур.

Туну кун тиним билмай меҳнат қилиш ҳисобида ҳосил бўлаётган электр қувватини вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги sanoat корхоналари, ташкилот,

ҳўжалик ҳамда хонадонларга етказиб беришдек маъсулиятли вазифа «Тошкент электр тармоқлари» очик акциядорлик жамияти жамоаси зиммасига юклатилган. Нурчилар вилоятдаги 488 минг 146 та истеъмолчига, шу жумладан, 480 минг 885 та хонадонларга электр етказиб бермоқдалар. Ўтган йилда уларга 5,8 миллиард килловатт-соат ёки сал кам 187 миллиард сўмлик электр қуввати узатилди. Бу олдинги йилдагига қараганда 3,6 фоиз кўпдир.

Корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда хонадонлар электр қуввати ҳақини вақтида тўлашса айна мудабо бўларди. Афсуски, жойлардаги истеъмолчилар ўртасида, маҳаллаларда олиб борилаётган тушунтириш ишларига, мутасадди ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилган тадбирларга қарамай, истеъмолчиларнинг қарздорлиги ҳамон камаймаяпти. Шу йилнинг бошига келиб, уларнинг умумий қарзи 22,4 миллиард сўмга етди. Вилоятдаги қатор йирик корхоналарнинг бундаги улуши, айниқса, салмоқли. Масалан, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Сувсоз» трести бирор марта ҳам қарзини тўлиқ тўлашининг удрасидан чиқа олгани йўқ. Шу йил бошлангишига келиб унинг қарздорлиги 2,4 миллиард сўмга етди.

(Давоми 2-бетда).

## Ер эгаси эртага ким бўлади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006 йилда қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер ҳўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган ислохотларни юқори босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.



## МУЛҚДОР БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

Вилоятимизда ҳам бу муҳим ҳужжатлар ижросига изчил киришилиб, аграр тармоқда юз бераётган тарихий жараёнлар давом эттириляпти. Сухбатдошимиз, фермер ҳўжаликлари уюшмасининг Охангарон тумани вакиллиги раиси Тўлқин Тўраев бу ҳақда шундай дейди:

— Охангарон вилоятимизнинг қишлоқ ҳўжалигида кўп тармоқли туманларидан ҳисобланади. 517 нафар фермерларимиз иштирокида 1154 гектар ер майдони бор. Фермерларнинг 450 нафари галлачилик ва сабзавотчилик, қолганлари боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланади. Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири — Президентимизнинг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида 6 та ширкатни фермер ҳўжаликларига айлантириш белгиланди.

Яқинда уюшмамизнинг кенгайтирилган йиғилишида шу масалани олоҳида муҳокама қилдик. Чунки, ерга эгаллик қила оладиган муносиб номоздорларни танла олиш учун тендер талабларига қатъий риоя қилишимиз зарур. Мақсад белгиланган мудада фермер ҳўжаликларини ташкил қилиш учун давogarлар ўртасида ҳолис ва ошқора танлов, кимошди

савдолари ўтказиб, янги ер эгаларини аниқлаш ҳаракатига жамоатчилик ҳамда фуқаролар йиғини вакилларини жалб этишдир. Болиси кўпчилик масъул ва дахлдор бўлган жойда мақсадга эришиш осон кечади, ишнинг самараси ҳам кўнгилдагидек бўлади.

— Ҳозир фермер бўлиш истагини билдираётган деҳқонлар жуда кўп, — дея сухбатга қўшилди уюшма етакчи мутахассиси Соатали Давлатов. — Менга биланган ширкатларнинг 97 та фермер ҳўжаликларида олиб борилаётган ишларни кузатар эканман, ер қадри нақадар баланд эканлигига амин бўлдим. Айниқса, янги фермерларга яратиб берилаётган имкониятлар деҳқону боғбонларимиз кўнгилдаги иш бўлди. Тугатилаётган ширкатлар негизда ташкил этилаётган боғдорчилик ва узумчилик фермер ҳўжаликлари ягона ер солиғини тўлашдан беш йил мудада озод қилиниши, уларга иш юритиш учун узок мудадали кредитларнинг берилиши яқин орада фермерларимизнинг ишлари юришиб, ҳосилдорлик кўтарилиб, халқимизнинг дастурхони тўқин бўлишини таъминлайди.

Яна бир сухбатдошимиз, Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини қайта тузиш агентлигининг Охангарон тумани филиали бошлиғи Абдулла Боймуҳаммедов

фермерларни қўллаш мақсадида уларга турли кредит турларидан фойдаланиш имконияти яратилган, шу маблағлар эвазига ҳўжалик учун зарур бўлган техника воситаларини сотиб олишлари мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

Туман фермерларини қизқитириётган масалалардан бири — ўғит ва ёқилги муаммосини бартараф этиш учун тегишли ҳўжаликлар ҳудудда бозор инфратузилмаларини шакллантириш чоралари кўриломқда. Авваллари фермерлар ўғитни туман «Қишлоқ ҳўжаликкимё» бўлиמידан ўз ҳудудларига ташиб олишда анча харажат қилишларига тўғри келар эди. Бу эса ҳам вақтни, ҳам маблағни ортиқча сарфлаш дегани. Ҳозир ана шу муаммо ижобий ҳал бўляпти. Керакли минерал ўғитлар, ёнилги маҳсулотлари бевосита жойларда, далаларда ташкил этилган шаҳобчаларда тарқатилиши учун имконият яратилмоқда.

Қисқаси, туман деҳқон ва фермерлари Президент фармонларидан руҳланиб, ислохот талабларини босқичма-босқич, яқдиллик билан амалга оширишларига ишончимиз қомил. Туманда бу борада дастлабки дадил қадамлар қўйилмоқда.

Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

## ҲУДУДИЙ КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Тошкент вилоти бўйича ҳудудий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими, ҳудудий комиссиянинг раиси Мирзамашрап Куччиев бошқарди.

Йиғилишда комиссия аъзолари, вилоят назорат идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳудудий комиссиялари раислари, котиблари, Бекобод ва Тошкент туманлари бўйича ҳудудий комиссияларнинг аъзолари иштирок этишди.

Йиғилиш назорат қилувчи идоралар томонидан ўтган йил мобайнида текширишларни мувофиқлаштириш яқунлари, бу ишни тартибга солиш борасидаги қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш бўйича Бекобод ва Тошкент туманлари ҳудудий комиссияларининг фаолиятини етарли эмас деб топди.

Таъкидландики, сўнгги бир йил мобайнида тадбиркорлар фаолиятини текшириш самарадорлиги бирмунча ошганлиги

қарамай, бу ишда ҳамон муайян камчилик ва нуқсонлар юз бермоқда. Гоҳида режадан ташқари текширишлар ўтказиш ёки, аксинча, режага киритилган текширишларни вақтида ўтказмаслик ҳолатлари юз бераётир. Бу текширишларни режалаштиришда ҳўжалик субъектларидаги аҳолини чуқур ўрганмаслик оқибатидан бошқа нарса эмас. Йиғилиш кун тартибидagi барча масалаларни қизгин муҳокама қилиб, назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Бекобод ва Тошкент туманлари ҳудудий комиссияларининг фаолиятини етарли эмас деб топди.

Йиғилишда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



## ИСТИҚБОЛ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар вилоят касаба етакчилари семинарида кўриб чиқилди.

Унда касаба уюшмаларининг ижтимоий ҳимояни кучайтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, самарали меҳнат фаолиятини ташкил этишда тугган ўрни ва уни мустақамлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз борди. Шунингдек, меҳнат муносабатлари ва шу билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, меҳнатни

муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йилида амалга оширилажак ишлар хусусидаги маърузалар ҳам тингланди, иштирокчиларни қизқитириган масалалар юзасидан саваб-жавоб, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Ўз муҳбиримиз.

## КЎҲНА ҚИШЛОҚДА ЯНГИ БОЗОР

«Пскент деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти томонидан Муротали қишлоғида янги бозор бунёд этилди.

Қурилишга 300 миллион сўмдан зиёд маблағ сарф этилди. Айна вақтда бу ерда ободонлаштириш ишлари

бошланиб, хиёбон ва гулзорлар барпо этиш учун майдонлар тайёрланмоқда. Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

## ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР УЧУН

Қибрай туманидаги «Иқбол камалаги» ўқув маркази тадбиркор сифатида фаолият бошламоқчи бўлган хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билим ҳамда кўникмаларни эгаллашларига яқиндан кўмак бераётир.

Яқинда марказ икки кунлик ўқув-машгулот ташкил этди. Туман «Тадбиркор аёл» уюшмаси билан ҳамкорликда уюштирилган машгулотларда 40 нафардан зиёд маҳаллий хотин-қизлар иштирок этишди. Мутахассислар қатнашчилар учун бизнес олами янгиликлари, тадбиркорлик тамойиллари, иш бошқаруви, бизнесрежа тузиш ва уни тат-

биқ этиш, шунингдек, тадбиркорларни хар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, ишбилармонларга яратилаётган имтиёз ва қулайликлар ҳақида маъруза қилдилар ҳамда тингловчиларнинг саволларига жавоб қайтардилар. Шерали ҒАЙРАТОВ.

## Гап эгасини топади

Матбуотнинг, хусусан, газетачиликнинг метин тамойилларидан бири хилма-хил фикрларга, тағдор, таҳлилий мунозараларга кенг ўрин бериш, турли муносабатларни ҳолис қабул қилиш ва ёритиш, шу тариха жамоатчилик онгу шуурини миллий манфаатларимизга мос равишда шакллантиришдан иборатдир, десак ҳақиқатдан узоқлашмаган бўламиз. Негаки, матбуот ҳамини бир қадам олдинда юриши, ижтимоий воқеликларни теранроқ кўра билиши, касбимиз «тили» билан айтганда, жамият ҳаётининг ҳолис кўзгусига айланмоғи керак.

## МАҚСАДИМИЗ БИР ЭМАСМИ?

Соҳа вакиллари, етук, малакали ижодкор ва журналистларнинг зиммасида ана шундай катта маъсулият ва бурч борлигини инкор этмаймиз. Шундай-ку, бироқ қарс икки қўлдан, деган оддийгина ибора борки, кишини беихтиёр эътирознома мулоҳазаларга бошлайди.

Шулар ҳақида гап кетганда, мени ва мен каби қўллаб-қувватловчиларимизни ўйлантираётган мулоҳазалар теграида оқиқасига сўз юритган маъқул.

Кейинги вақтлар мамлакатимизда қайси жаҳдани олманг, ислохотлар изчил ривож топаётганига, эртанги фаровон, тўқин-соқин ҳаётимиз, ёруғ келажгимиз учун мустаҳкам пойдевор қўйилаётгани, давлатимиз эътибори ва ғамхўрлиги айнан шу хайрли мақсадларга қаратилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг янги қиёфаси, кенг, раван йўллари, маҳобатли қурилишлар кўзни қувонтираётгани рости. Аҳолига қулайликлар яратиб, оғирини енгил, узогини яқин қилиш, турли сифатли хизматлар курсатиш, ишлаб чиқаришга жорий этилаётган янгиликлар, тадбиркорлар, ер ва мулк эгаларига кўрсатилаётган рағбат ва имтиёзлар, буларнинг ҳамма-хаммаси сизу

биз, эл-юрт манфаатлари учундир. Юртбошимиз бошланажак хар янги йилга ном берад экан, унинг моҳияти аввало, инсон манфаатларини улуглаш, ижтимоий ҳаётимизнинг турфа жаҳдаларидаги иллатларни бартараф этиш, юртдошларимизни яхши ният, эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиришда маънавий куч бўлишига қаратилганлигини кўп бора таъкидлайдилар. Буларнинг бари ўтган йиллар мобайнида туриш-турмушимизда ўз аксини топаётганига ҳам шохидимиз.

Бирок, бу янгилик ва ўзгаришлар моҳиятидан одамларни тўла хабардор этиш, уларда эртанги кунга ишонч ва амалдаги ислохотларга дахлдорлик туйғуларини тоблашда матбуот сўзи, афсуски, ҳамини ҳам самарали бўлмаётганидан кўз юма олмаймиз. Нега шундай бўлмоқда, бунинг ўзак сабаблари нимада?

Назаримизда, бунинг сабаби оддий ва бу фақат матбуотга, хусусан, журналистларгагина боғлиқ, деб ҳисобласак бир ёқлама фикрлаган бўламиз. Чунки, айтилик, газета муҳбири ўзининг билим доирасига ҳаётдаги барча соҳаларга оид

(Давоми 3-бетда).



**ЧИРЧИҚДА ЭНГ НАМУНАЛИ**

Чирчиқдаги 15-ўрта мактаб шахарнинг энг намунали ўқув даргоҳи, деб топилди. Бу ердаги таълим-тарбия ишлари самардорлигини таъминлашда замонавий тажрибалар ва интерфаол усуллардан кенг фойдаланилмоқда.

Айниқса, мактабнинг маҳаллалар билан ҳамкорлиги натижада педагогик жамоа фаоллиги ошиб бораётди. Хусусан, мактабга шахардаги «Шодлик» маҳалласи аҳли яқиндан кўмак бермоқда. «Намунали оила», «Маҳалла тарихи», «Одобли қизлар» каби мавзуларда ўтказилган танлов бевосита маҳалла фаоллари ҳамкорлигида ташкил этилди. Маҳалла ёрдами билан билим даргоҳи ўзининг спорт майдончасига ҳам эга бўлди.

Ақбар АЛИЕВ.

тушунча ва дунёқарашни сиғдира олмайдилар. Боз устига, бизда журналистларнинг муайян касбий йўналишдаги ихтисослашуви ҳам анча суғут кечмоқда ва табиийки, бу маълум вақт мобайнида босиб ўтиладиган жараёнлар.

Шундай экан, ҳозирги шароитда, яъни, кўпгина журналистларда соҳаларга ихтисослашув бўлмаган бир пайтда табиийки, истаисизми-йўқми, маълум соҳа ва йўналишда малака ва тажрибага эга бўлган, ўз касбининг моҳирлари ва мутахассислари мурожаат этилади. Чунки, чумчуқ сўйса ҳам қасосб сўйгани дуруст. Сувоқчининг ишини бўёқчи эпломаслиги турган гап.

Мухбирлик фаолиятимиз мисолида, бундай вазиятларга неча бор дуч келиб, маълум муаммолар курашганида қолган пайтларимиз кўп бўлади. Касбимиз тақозосига кўра, бирор воқелик атрофида ишончли фикр юритиш, ёки тегишли соҳа вакилларига тушунадиган масалаларга ечим излаб, кўпгина мутахассис ва мутасаддиларга бот-бот мурожаат этишга тўғри келади. Улар мақсадимиздан воқиф бўлган, кўп ҳолларда матбуотдан ўзларини олиб қочадилар, ёки «катта»ларнинг махсус руҳсатисиз керакли маълумотлар тугул, ўз муста-

(Давоми. Боши 1-бетда).

қил фикрларини ҳам бера олмайдилар. Қарабсизки, фақат муҳбирнинг ўта чегараланган нуқта назари ифодаланган ҳолда матбуот юзини кўраётган кўлаб мақолалар бир ёқлама, юзак бўлиб қолаверади ва аниқли, муштарийнинг эътирозини кўзгайтириш, ҳафсаласини пир қилади.

сув ҳўжалиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, фермер ҳўжаликлари уюшмаси вакиллиги, тегишли туман ҳўкимликлари, жойларда иш олиб бораётган тендер комиссиялари аъзолари бу ҳақда матбуотда лом-мим дейишди? Бирор жўяли ташаббус кўрса-

да атрофлича чиқиш қиладиган мутахассислар ташаббускорлиги нега сўст? Матбуот ахир, барча учун эркин ва холис минбар эмасми? Балки сазё фикрлаётгандирман, эътирозларим асоссиздир, шу боис ёзганларим бирор мутасадди идора раҳбари ёки вакилида қандайдир қарши

лар, ёки асли аввалдан мавжуд бўлган тиббиёт муассасасининг у ёқ-бу ёғини суваб-бўиб, қайтадан «очилиш маросими»ни ўтказсалар, ўнлаб тахририятдан мухбир қақирини биладилар-у, оддийгина муаммолар юзасидан мурожаат қилган мухбирни эшитишга тоқатлари қолмайди. Ёки, газетда босилган муаммоли, танқидий мақолага нисбатан ҳам лоақал жавоб қайтаришни лозим топмайдилар. Борди-ю жавоб келгудек бўлса, у ҳам тарафқашларни излаш ва мухбирни ноҳолисликда айблашга оид мантисиз, сийқа иддаолардан иборат бўлади. Улар матбуотга нисбатан бундай муносабат сиёсий саводсизлик, ижтимоий сусткашлик бўлибгина қолмай, қонун юзига андишасиз оёқ қўйиш эканини билишармикин?

Хуллас, бу ҳақда гапирса гап кўп. Истагимиз холис, у ҳам бўлса, барчамизни ён-атрофга очик нигоҳ ташлаб, ўз фикр-мулоҳазаларимиз билан матбуотда фаол иштирок этишга, юртимизда кечаётган тарихий жараёнларга бефарқ, томошабин бўлиб турмасликка чорлашдир. Ахир барчамизнинг энг эзгу мақсадимиз — юртга хизмат қилиш, унинг эртанги келажаги учун қайғуриш-ку. Шундай эмасми?

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**  
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

**МАҚСАДИМИЗ БИР ЭМАСМИ?**

Ҳозир бутун мамлакатда бўлгани каби вилоятимизда ҳам аграр соҳада тарихий жараёнлар кечмоқда. Тармоқдаги слоҳотлар тақозосига кўра, вилоятимиз бўйлаб фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда, янги мулкдорлар, ер эгалари, тадбиркорлар учун бекиёс имтиёз ва қулайликлар яратилмоқда. Мухбирларимиз мазкур жараёнда қонунийлик, ошқоралик, холислик каби адолат тамойилларига риоя қилиш, ерларнинг чинакам деҳқон қўлига ўтиши, бу йўлдаги ҳар қандай тўғаноқ иллатларга барҳам бериш, муросасиз курашиш лозимлиги борасида тинимсиз бонг уришмоқда. Бироқ, вилоятимизда бевосита шу жараёнларга мутасадди бўлган идоралар, айтилди, вилоят кишлққ ва

тишдими? Жараён теграсида чинакам мутасадди ва мутахассисга хос холис, тағдор, салмоқли муносабатлар билдиришдими? Ёки олайлик, ҳозир бутун дунёга «парранда гриппи» деган балло офат ҳаф солаётти. Шукрки, юртимизда бундай ўлат хуружи қайд этилдики. Бу билан бепарволикка, эътиборсизликка асло йўл қўйиш мумкин эмас ва айни ҳол бутун жамоатчиликдан, айниқса, даҳлдор идоралар мутасаддиларидан ҳўшёрлик ва муайян чора-тадбирлар ижросини қучайтиришни талаб этади. Бунҳам бериш, муросасиз курашиш ҳавфидан оғолантириш ва унга қарши курашишда муросасиз бўлишга чорлаш ўта муҳимдир. Оммавий ахборот воситалари муҳим хизматга тайёр, аммо улар-

фикр уйғотиши мумкин. Аммо шундаям улар томонидан мазкур мақолага нисбатан бирор жиддий чиқиш қилиниши ёки раддия берилишига кўзим етадимиз? Тўғри, беш қўл баробар эмас. Газетамизда мунтазам қатнашиб, ўз фаолиятига оид жараёнларни атрофлича, таҳлилий ёритишни кўзлаб тахририятга мақола йўллаётган, журналистлар билан алоқаларни мустаҳкамлаб улгурган жонқуяр мутасадди ва мутахассислар, фаол муаллифларимиз ҳам йўқ эмас. Улардан газетхонларимиз яши хабардор ва ортиқча мунозарарга ўрин йўқ. Хулоса шукки, жойлардаги аксарият мутасаддилар матбуот билан қандай муносабат ва алоқа қилишни билмайдилар. Кичгинагина тадбир уюштирса-

**ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ЯНГИ ҚУЛАЙЛИК**

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси мамлакатимиз пойтахти билан Фарғона водийси ўртасида «Тошкент-Андижон-Тошкент» йўловчи поездининг қатновини мунтазам йўлга қўйди.

Компания матбуот хизматида маълум қилишларича, Марғилор орқали қатновчи 659-660-йўловчи поезди ҳар куни соат 18.20 да Тошкентдан водийга жўнаб, соат 11.05 да Андижонга етиб боради. Андижондан шу кун соат 16.45 да йўлга чиққан поезд эса Тошкентга соат 9.20 да кириб келади.

Яқиндагина капитал таъмирдан чиқарилган Тошкент темир йўл вокзалда замонавий кутиш залларининг эшиклари йўловчиларга очик. Мунтазам қатнаётган поезд вагонларида сафар учун барча шароит муҳайё. Қайноқ чой, қаҳва, шинам купелар, малакали вагон ходимларининг йўловчилар хизматига шай туриши учун «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси жамоаси барча имкониятни ишга солмоқда. Поезд бир вақтнинг ўзида 900 нафаргача йўловчига сифатли хизмат кўрсатади.

Н. ОЧИЛОВ,  
ЎЗА мухбири.

**БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ**

Юроричирчиқ туманидаги 3-, 34-умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирокида терроризм, гихёвандлик каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган «Оғоҳлик — давр талаби» мавзусида давра суҳбатни ўтказилди.

Туман халқ таълими бўлими, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатининг мақсади террористик ҳуружлар ва уларга вилоятимиз ёшларининг муносабатларини акс эттирилган фильм намойиш этилди. Баҳс-мунозара тарикасида ўтказилган тадбирда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Мўмин ИБODOV.



**БЕЛГИЙ ПОЙТАХТИДАГИ «Брюссель-Экспо» АСОСИЙ КЎРГАЗМАЛАР МАЖМУАСИДА «АГРИБЕКС» ДЭБ НОМЛАНГАН КИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ КЎРГАЗМА-ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТДИ. 64-МАРТАБАГА ЎТҚАЗИЛГАН УШБУ ТАДБИРДА КИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ВА МАШИНАСОЗЛИГИ, ЧОРВАЧИЛИК, БОҒДОРЧИЛИК ҲАМДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ЖАБҲАЛАРИДАГИ ЭНГ СЎНГГИ ЮТУҚЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛДИ.**

**«АГРИБЕКС» ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ**

Кўргазмада Европа мамлакатларининг 400 дан зиёд фирма ва компаниялари ўз махсулотларини намойиш этди.

«Нью Холланд» компаниясининг тижорат ишлари бўйича директори Пьер Аут мазкур компания Бельгиядаги бугдой, маккажўхори, шולי ўриш машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган жуда йирик компаниялардан бири эканини таъкидлади. Унинг маълум қилишича, «Нью Холланд» Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатларида ўз фаолияти кўламларини кенгайтириш баробарида Ўзбекистон билан ҳамкорлик ўрнатилганга ҳам катта қизиқиш билдирилмоқда.

**Жамшид МУТЛОВ,**  
«Жаҳон» АА.

**КОРХОНАДА ИШ ҚИЗГИН**

«Куйичирчиқ пахта тазалаш корхонаси» вилоятдаги йирик қабул пунктларидан ҳисобланади. Ўтган мавсумда вилоятимиз пахтакорлари етиштирган ҳосилнинг 37 миң 543 тоннаси шу корхонага етказилди. Унинг 90 фоизига «юқори нав» тамғаси босилди.

Айни вақтда корхонада иш қизгин. 150 нафар меҳнатқаш хизмат қиладиган жамоада иш ўсменада ташкил қилинган.

— Корхонамизда ойлик режалар ортиғи билан бажарилмоқда, — дейди тола ажратиш цехи илғорларидан Робия Курбоналиева. — Ҳозир кунига 60 тоннадан зиёд хом ашёни қайта ишлаяпмиз. Меҳнатимиз ўз вақтида, муносиб рағбатлантирилиб борилмоқда.

**СУРАТДА:** Робия Курбоналиева ва Насиба Норматова қундалик иш жараёнида.

**Хусанбой АВВАЛОВ**  
олган сурат.

**ФАРЗАНДЛАР ОДОБИ ҲАҚИДА БЕШ МАКТУБ**

Бугун оммавий ахборот воситаларида ахлоқ-одоб, ёшлар тарбияси, уларнинг маънавий қиёфалари ҳақида жуда кўп мунозаралар юритилляпти. Бироқ, ёшларнинг кўча-кўйдаги хатти-ҳаракатлари, кийинишлари, муомалаларида хориж халқлари ҳаётига кўр-кўрона тақлид қилишга интилиш кучайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса ат-

рофдагиларнинг, айниқса, ҳаётда оқ-қорани таниган, уят, андиша, ибод-ҳаё каби ҳислатларни улғулоччи кишиларнинг гашига тегиб, кўп ҳолларда уларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда. Бунга тахририятга келаётган аксарият мактублардан ҳам билиш мумкин. Қуйида шу мавзудаги мактублардан сатрлар ўқийсиз.

**ТАЪСИРИ КУЧЛИ**

Яқинда ёш хонанда Лола Аҳмедованин «30 канал»даги клипига кўзим тушиб қолди. Ундаги ўйинчи қизлар, ҳатто, қўшиқчининг ўзи ҳам кийиб олган либослар одоб талабларига мутлақ мос эмасди.

Бугун ёш астрада қўшиқчиларининг бодрокдек кўпайиб, тайинсиз клипларнинг экранга чиқаётгани ташвишли ҳол, деб ўйлайман. «Шаҳзода» гуруҳи, Шаҳнозобону ва бошқа қатор санъаткорларнинг клиплари ҳам шу маънода бир-биридан ўтади.

Телевидение катта таъсир кучига эга. Унда намойиш этиладиган ҳар бир лавҳа у ёки бу жихатдан томошабинга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шунинг учун ҳам бу воситадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик билан, унинг ортидан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатни ўйлаб иш тутилса мақсадга мувофиқ бўларди.

**Насиба КЕНЖАЕВА,**  
кекса педагог.

Менимча, хориж сериалларидаги беҳаё кийинишлари ўзаро муомаладаги қўполликлар, беандишаллик, нозик муносабатлардаги очик-ошқоралик кўпчилик ёшларимизга ўз таъсирини ўтказмоқда. Қизғини шундаки, оиладаги катта-кичик, эркагу аёл бундай сериалларни биргаликда бемалол томоша қилишга кўникиб қолмоқда.

**БУ ШУНЧАКИ ГАП ЭМАС**

— Сериаллардаги шармсиз эпизодлар олиб ташланади. Эфирда берилётган беҳаёликлар эса ундан қолгани, — деган эди шу соҳада ишлайдиган бир танишим.

Қизик, «элакдан ўтган» шу даражада бўлса, асли қай аҳволда экан? — Хорижлик ҳамқасбларининг таъсирини, ўзбек кино усталари суратга олаётган фильмларда ҳам чет эл маданияти, маънавиятининг кусурлари кўзга ташланмоқда. Тўғри, мириқиб томоша қилиб, ундан ўзимиз учун хулоса чиқарадиган, ибрат оладиган фильмлар ҳам йўқ эмас. Масалан, «Сарой жаҳоҳири» сериали кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлди. Фильмдаги ўзаро муносабат ва муомалаларнинг самимийлиги, инсонийлик туйғулари ва ахлоқ меъёрларининг моҳирона уйғунлаштирилгани сериалнинг асосий ютуғи бўлган. Нима учун ана шундай хориж фильмларидан кенгрок фойдаланиш мумкин эмас?

**Шаҳноза МАННОПОВА,**  
уй бекаси.



**БЕПАРВОЛИК**

Болалигимда менга ибрат бўлган бир воқеа ҳақон хотирамда. Маҳалламизда кўли эгри бир йигит бўларди. Қаерда бўлмасин, «пичоққа илинадиган» нарса кўрса, ўмарий пайига тушарди. Бир кун маҳалланинг ёши катта фаоллари уни ўртага олишди. Дастлаб, бу қилиқларининг охири вай эканлигини, ҳозирги майда ўғрилги кейинчалик қундалик одатга айлиб кетишини яхши гап билан

тушунтиришди. Бу гаплар таъсир қилмагач, келаси сафар йигитнинг ота-онаси билан жиддий гап-сўзлар бўлиб ўтди. Маҳалла оқсоқоллари, ҳатто, уларнинг бу ердан кўчиб кетиш масаласини ҳам кўтарилган экан.

Ота-онасининг кўпчилик олдида изза бўлганини кўрган йигит бундай ноқобил ишларини ташлади.

Ҳозирги кунда кўпчилигимиз бир-биримизни ёки фарзандларимизни

**БЕМАВРИД ДАККИ**

Ёз кунлари эди. Рўзгор ташвиши билан «Олой» бозори расталарини оралаб бораётиб ёш йигитга кўзим тушди. У бир четда кун иссиғидан бетоҳат бўлиб, қўйлагини белидан тепага кўтариб, елпинарди. Бу манзарани бир отахон кузатиб келаётган эканми, йигитга танбех берди:

— Ҳамманнинг олдида қорнингни очиб, елпинишга уялмайсанми?

— Сизга нима, аввал ёнингиздаги набиранингизнинг киндигини ёпиб олинг.

Атрофдагилар чолнинг олдида бораётган қизга қарашди. Кийиб олган шими ва қўйлакнинг калталигидан қиз баданининг анча жойи очик эди. Отахон эса бемаврид берган танбехидан хижолат бўлиб, бир набирасига, бир атрофга аланглади-да, нари кетди.

Ушбу манзара халқимизнинг бир нақлини ёдимга солди: «Авал ўзинга бок, кейин ногора қок». Ҳар бир инсон ҳаётида аввало ўзининг, қолаверса, фарзандларининг одоб-ахлоқи билан ўрнак бўлмоғи лозим экан.

**Абдулла ФАЗЛИДНОВ,**  
хайдочви.

**ОТАСИ ИЗЗА БЎЛДИ**

Бир дўстимиз бор эди. У фарзандларини эркин қўйиб, ўзларига маъқул келган ишни қилишларига руҳсат беради. Уларнинг кийиниши, муомаласи, юриш-туриши эса атрофдагиларнинг гашига тегарди. Улфатлар жазм қилиб, дўстимизга фарзандларининг тарбиясига жиддийроқ қарашини масолаҳат бердик. У эса ўзининг фойдаси учун айтилаётган бу гапларга жавобан ўдағайлади:

— Мен болаларимни европализмга хос маданиятни қилиб тарбияламоқчиман, сенларга

нима? Мени кўролмайсанлар. Чунки, ўзларининг кўллариндан келмайди-да. Шунинг учун насихатқўйлик қиласанлар.

Биз бундай муносабатдан ранжидик. Қайтиб бу борада сўз очилмади.

Яқинда дўстимизнинг қизи бизнинг олдимизда уни шундай изза қилдики... Ўз фарзандига юмуш буюриб, ундан «ты заткни», «папа» деган сўзни эшитган отанинг қандай аҳволга тушганини тасаввур қилинг-а.

Бугун аксарият ёшларимизнинг шу даражада

ўзгаришларига, аввало, биз ота-оналар ўзимиз сабабимиз, деган фикрга келаман. Уларни назоратга олмасак, кўнгиллар тусган ишга изн берсак, оқибати нима бўлади? Ахир фарзандимиз учун бошқалар жавобгар эмас-ку.

Ҳар бир ота-она фарзанди келажаги ҳақида бош қотирар экан, аввало унинг моддий таъминоти эмас балки, маънавий баркамоллиги ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўрмоғи зарур.

**Зарифбек ҲОШИМОВ,**  
шифокор.

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

**«Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali»**

Сизларни 2006 йил 7 март кун соат 12.00 да «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» савдолар залида ўтказиладиган навбатдаги очик аукцион савдоларига таклиф этади.

**Савдога қуйидагилар қўйлади:**

1. Чиноз тумани халқ таълими бўлимига қарашли, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, ВА3-2106 русумли, давлат рақами 11 АВ 614 бўлган автотранспорт воситаси.
- Бошлангич баҳоси — 730 033 сўм.** Сотувга қўйилган автотранспорт воситаси сотилмаган тақдирда 2006 йил 14, 28 март кунлари соат 12.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига ўтказилади.
- Шунингдек, қуйидаги ер майдонлари ва автотранспорт воситалари савдо натижаси бекор қилинганлиги сабабли 2006 йил 7 февралдан бошлаб аукцион савдосига қўйлади:**
2. Паркент тумани ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида деҳқон ҳўжалиги юритиш учун сотилиши белгиланган, Паркент тумани, «Номданак» ширкат ҳўжалигида жойлашган, ҳар бирининг сатхи 0,06 гектар бўлган, 7-, 8-ер майдонлари.
- Ҳар бирининг бошлангич баҳоси — 78 672 сўм.**
3. «Биоким» очик акциядорлик жамиятига қарашли, ГБАСПГАЗ-5204 русумли, давлат рақами 11 АС 179, 1982 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
- Бошлангич баҳоси — 1 713 291 сўм.**
4. «Биоким» очик акциядорлик жамиятига қарашли, ДТ-75М русумли, давлат рақами 25-58 ЕД, 1979 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
- Бошлангич баҳоси — 1 007 854 сўм.** Ер майдонлари савдосида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо кунидан ун кун олдин тўхтатилади. Автотранспорт воситаси савдосида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.
- Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик зақалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

**«Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali»**

Сизларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан ҳусусийлаштириш дастурига киритилган давлат корхоналари, объектлари ва улушлари бўйича ўтказиладиган ҳафтаининг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг бўлимларида ўтказиладиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига таклиф этади.

**Савдоларга 2006 йил 3 февралдан қуйидаги давлат объекти қўйлади:**

1. Чирчиқ шаҳар ҳокимиятига қарашли Чирчиқ шаҳри, Амир Темури кўчаси, 206-уйда жойлашган, 133,66 кв.м.га тенг бўлган нотуражой биноси.
- Бошлангич баҳоси — 1 938,5 АКШ доллари.** (Объект учун тўлов валютанинг УЭР МБнинг сотув кунидаги курси бўйича сўмда амалга оширилади).

**Савдоларга 2006 йил 6 февралдан қуйидаги давлат объекти қўйлади:**

2. Чирчиқ шаҳар ҳокимиятига қарашли Чирчиқ шаҳри, Амир Темури кўчаси, 11-уйда жойлашган, 334,0 кв.м.га тенг бўлган нотуражой биноси.
- Бошлангич баҳоси — 4 652,6 АКШ доллари.** (Объект учун тўлов валютанинг УЭР МБнинг сотув кунидаги курси бўйича сўмда амалга оширилади).

**Имкониятингизни бой берманг!**

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. **Телефонлар:** 133-28-52, 133-49-31, 133-77-18, факс: 133-43-73.

«Vacantiebeurs – 2006»

сайёҳлик кўргазмасида

Голландиянинг Утрехт шаҳрида "Vacantiebeurs – 2006" халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди.

Нидерландияда сайёҳлик соҳасидаги энг йирик кўргазма ҳисобланадиган "Vacantiebeurs – 2006" бу йил 35-маротаба ўтказилди. Унда дунёнинг юздан орттиқ мамлакатидан фаолият кўрсатадиган сайёҳлик ва авиакомпаниялар вакиллари катнашди. Тадбир ташкилотчиларнинг қайд этишларича, кўргазмага 200 мингдан орттиқ киши ташриф буюрди.

Кўргазма бу қадар катта қизиқиш уйғотгани ажабланарли эмас. Негаки, Голландия фуқаролари евро-палликлар орасида энг кўп саёҳат қиладиган миллат. Статистика маълумотларига қараганда, ўртаҳол голландиялик йилига 2,2 марта хорижга саёҳат қилади ва ҳар бир саёҳати учун ўртача икки ярим минг евро сарфлайди.

"Vacantiebeurs – 2006"да

мамлакатимиз ҳақидаги маълумотлар "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг Бельгия ва Нидерландиядаги расмий вакили "KALES Airline Services" компанияси томонидан тақдим этилди. Ўзбекистондаги сайёҳлик йўналишларини, шунингдек, Нидерландиянинг ўндан орттиқ сайёҳлик оператори ҳам тақдим этди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг сайёҳлик масканлари нафақат соҳа мутахассисларида, балки хорижга саёҳат қилишни режалаштираётган оддий голландияликлар орасида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазмада "Регистон" гуруҳи вакиллари ижросида намойиш этилган маданий дастур эса меҳмонларнинг юртимиз ҳақидаги тасаввурларини янада бойитди.

«Жаҳон» АА.

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport

ИСТИҚБОЛНИ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик ҳамда она-юртга меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга йўналтирилган Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва юқори ташкилотларнинг меъёрий ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган кенг қўламдаги ишларни амалга оширмоқда.

Ташкилотнинг Бекобод шаҳар кенгаши тасарруфида 4 та спорт секцияси мавжуд бўлиб, уларда 50 дан орттиқ ёшлар фаол катнашмоқда. Утган йили 420 нафар ўсмирга ҳайдовчилик гувоҳномаси берилди. Ташкилотнинг автомобиль мак-



Шундан кейин

Уяли телефон ҳамён вазифасида Японияда уяли телефонлар мулоқот воситаси бўлибгина қолмай, балки бошқа қатор юмушларни ҳам бажаришга хизмат қиладиган қулай мосламага айланганига анча бўлди. Яқиндан бошлаб японияликларнинг кўп телефонлари ҳамён вазифасини бажармоқда. Айтиш жоизки, ҳозир мамлакат аҳолиси ўртасида бундай телефонларга талаб жуда катта.

"NTT DoCoMo", "Kiddi Corp" ҳамда "Vodafone K.K." компаниялари томонидан ишлаб чиқарилаётган ҳамён телефонларга махсус микротизимлар ўрнатилган бўлиб, улар касса аппаратида ўтказилганда телефон эгасининг банк ҳисоб рақамидан керакли микдордаги маблағни "чегириб олиш" имконини беради.

Айни пайтга келиб, Японияда ҳамён телефонларнинг сони 9 миллион дондан ошиб кетди. Улар ёрдамида мамлакатдаги 28 минг дўкандан махсуслот харид қилиш мумкин.

Бу янгилик транспорт соҳаси вакиллари ҳам беради. Бу янгилик транспорт соҳаси вакиллари ҳам беради. Бу янгилик транспорт соҳаси вакиллари ҳам беради.

Мутахассисларнинг фикрича, телефон орқали пул тўлаш тизими тез ривож топади ва бу имконият уяли алоқа тизимининг "кўфега"-сини бутунлай ўзгартириб юборади. Баъзи тахминларга кўра, келажикда банк хизматлари кўрсатиш ҳамда турли тўловларни амалга ошириш имконияти уяли алоқа компаниялари даромадининг энг муҳим манбааларидан бирига айланади.

«СТАРДАСТ» ЕРГА ҚАЙТДИ

НАСА фазовий тадқиқотлар марказининг (АҚШ) «Стардаст» космик аппарати орқали амалга оширилган кўп йиллик лойиҳаси нихосига етди.

«Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлигининг хабар беришича, лойиҳа натижаси ўлароқ, Кўёш тизимидаги Юдузлар ва кометаларнинг чангсимон зарраларини тўплаган мажмуъ махсус мослама ўтган ҳафтада Ерга қайтиб тушди. Умумий ҳажми бир чой қошиққа жой бўладиган чангсимон зарраларча НАСАНинг Ҳьюстон штатида жойлашган махсус лабораторияда синчиклаб ўрганилди.

Юдузларнинг чангсимон зарраларини тўплаган мажмуъ махсус мослама билан жиҳозланган «Стардаст» ўтган етти йиллик муддат давомида фазода 5 миллиард километр масофани босиб ўтган. Оммавий ахборот воситаларининг қайд этишича, Юта штатида қайтиб тушган «Стардаст» капсуласида ҳатто «Вилд-2» кометасининг зарралари ҳам мавжуд.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мажмуъ зарраларча Кўёш тизими ва сайёралиқ ҳақида айрим сир-асрорларни аниқлаш имконини беради.

«Жаҳон» АА.

УНИВЕРСИТЕТДА АДАБИЙ КЕЧА

Тошкент Давлат аграр университетида маънавий-маърифий тадбирларни тез-тез уюштириб туриш анъана тусига кирган.

Яқинда ўқув юрти талабалари иштирокида Ўзбекистон Ҳаққ ёзувчиси Пиримқул Қодиров билан учрашув бўлиб ўтди. Самимий руҳда кечган адабий ўйлар, фикр-мулоҳазалар, юзма-юз савол-жавоблар ёшлар тарбияси, уларда миллий ўзликни англаш, юртга садоқат, истиқбол бераётган неъматларга шукроналик туйғусини шакллантириш каби мавзуларга қаратилди. Ўз суйган ёзувчи адабиётимизнинг ютуқлари, ёшлар ижоди, навбатдаги вазифалар, ўз мақсадлари ва ёзаётган асарлари ҳақида атрофлича гапириб берди.

Учрашувда сўз олган талабалар ва ўқитувчи-профессорлар ёзувчи асарларининг теран моҳияти, адабий баҳоси, қаҳрамонларнинг она-юрт соғинчи ўртаган ўй-кечинмалари хусусида тўққизлашиб фикр юритдилар.

Ўз мухбиримиз.

«МАЛИКАЛАР САРОЙИ»ДА

Оҳангронлик тадбиркор Дилбар Олимхўжаеванинг ташаббуси ва сайёҳаракатлари билан шаҳарда бунёд этилган «Маликалар саройи» бугун турли тадбирлар ва тўй-томшалар ўтказиладиган ягона гўшага айланган.

Бу ерда буюртма асосида турли хил торт ва қандолат маҳсулотлари ҳам тайёрланади.

«Маликалар саройи» узининг фольклор дастасига ҳам эга. Унинг хизматлари шаҳарликлар учун қатор қулайликлар яратмоқда.

Мунаввара РАЖАББӨЙ кизи.

Шеърят

МАРД БЎЛИБ ЯША

Нурали АБДУРАСУЛОВ — 1955 йилда Оҳангарон туманининг Қорабалқ қишлоғида туғилган. 1980 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини битирган. Оҳангарон шаҳар «Оҳангарон ҳаёти — Живъ Ахангарана» газетаси бош муҳаррири. Шеър ва ҳикоялари матбуотда chop этилган.

Бун ҳаёт дейдилар

Баҳри хола келин олди-ю, ўзгарди-қолди. Айниқса, юриш-туришлари, ўзига ярашмаган баҳкана қилиқлари нафақат ўғил-қизларига, балки, кўни-қўшилларга ҳам эриш кўрина бошлади.

ОТАМГА

Ўзинг асрагайсан фалокатлардан, Ёмонлик, адоват, ҳалокатлардан. Кўнгида яшиллик, имон, садоқат, Сақлагин, илоҳим маломатлардан.

Эл аро юрганда тилимда борсан, Қурашга чоғлансам дилимда борсан, Дўст деб ишонганим йўлимда қолди, Сен эса ҳамиша умримга ёрсан.

Тухматларни кўрдим, ёмон-беомон, Ўзинг кўллаб турдинг, дуои-омон, Йиллар ортада қолди, олдинда йўллар, Равону наравон, яна наравон.

Ўлим деганлари ҳақ экан, ёмон, Бу ёлгон дунёда кўп экан ёлгон. Ўн йилнинг ортидан экан излайман, Ўн йилдан кейин ҳам топмоғим гумон.

Шоқин сувлар каби ёш ҳам ўтмоқда, Умримиз карвони аста кетмоқда. Ҳеч кимга ҳеч қачон бўй бермай, магрур, Юрак ҳамон, билмам, нени кутмоқда.

Отам дуолари — фалокатлардан, Ёмонлик, адоват, ҳалокатлардан, Сақлаб борар мени — муқаддас калом — Сақлагин ҳамиша маломатлардан.

ЯШАСАНГ...

Ҳар нега бўтадай бўзлайвермагин, Чоғинг келмас ишни кўзлайвермагин, Ҳар касга юқиниб, тизлайвермагин, Яшасанг, дунёда мард бўлиб яша.

Шароб ҳам дўст эмас, гул ҳам дўст эмас, Омад бир овуноқ, кутганда кўлмас, Аслида бу дунё тизангдан келмас, Яшасанг, дунёда мард бўлиб яша.

Судралишга яралганлар учмайди, Бошингга иш тушса сувинг кечмайди, Санаб кўр, жон дўстинг ўзи нечтайди?! Яшасанг, дунёда мард бўлиб яша.

Кўз ёшга аримас дунё ишлари, Умрининг ошидан кўпдир тошлари, Ҳар четда қашқирлар қайрар тишларин, Яшасанг, дунёда мард бўлиб яша.

Ор учун эгилмас — тикларни кўрдим, Дунёга тўймаган суқларни кўрдим, Дўстларини сотган бекларни кўрдим, Яшасанг, дунёда мард бўлиб яша.

Нурали АБДУРАСУЛОВ.

ҚАЙНОНА

Ишонгани, «севдим», «ўлдим-қўйдим» деган Воҳид ақасининг дами қўйга тушиб кетишини кўриб, ўзини бутунлай ҳимоясиз сездим. Унинг уйига кетишдан ўзга чораси қолмаган эди...

— Э, катта кўча, кетса-кетаверсин. У бўлмаса яна биттаси келади-да.

— Овозингни ўчир, шарманда, — деди қайнота.

Шу пайт дарвоза томондан кимнингдир йўталган овози келди.

— Вой, келинг, опоки, бормисиз? Кириб келиннинг қўлидан чой ичай демасиз-а?!

— Ҳа, энди кирармиз. Тўйлариям ўтказиб, келини бағрингга босиб олдингми, омон-эсон. Аммо, ўзингман бало экансан, Баҳри. Индамай юриб, шундай қизни топибсан. Тонг сахарлаб кўча супурган келинни кўрсам,

ҚАЙНОНА

Ишонгани, «севдим», «ўлдим-қўйдим» деган Воҳид ақасининг дами қўйга тушиб кетишини кўриб, ўзини бутунлай ҳимоясиз сездим. Унинг уйига кетишдан ўзга чораси қолмаган эди...

— Э, катта кўча, кетса-кетаверсин. У бўлмаса яна биттаси келади-да.

— Овозингни ўчир, шарманда, — деди қайнота.

Шу пайт дарвоза томондан кимнингдир йўталган овози келди.

— Вой, келинг, опоки, бормисиз? Кириб келиннинг қўлидан чой ичай демасиз-а?!

— Ҳа, энди кирармиз. Тўйлариям ўтказиб, келини бағрингга босиб олдингми, омон-эсон. Аммо, ўзингман бало экансан, Баҳри. Индамай юриб, шундай қизни топибсан. Тонг сахарлаб кўча супурган келинни кўрсам,

Сайёра ЭШМАТОВА.

МФ ОЙДАЛИ АСЛАҲАТЛАР. Тухум қайнатилганда, сариги бутун чиқиши ва яхши кесилиши учун, аввал совуқ сувга туз солинади ва паст оловда устини ёпиб, 15-20 дақиқа қайнатилади. Турп ва бақлажон тўғралгандан сўнг, озгина сирка кислотаси ва туз солинган сувга 10-15 дақиқага солиб қўйилса, қораси, ноҳуш ҳиди ва аччиқ тахир мазаси чиқиб кетади ҳамда хушхўр бўлади. Картошкани қовурганда қарсиллаб турсин десангиз, 10-15 дақиқа туз ва уксус солинган сувга солиб қўйинг.

Чучвара, вараки, бўғирсоқ, пиширик ва таомларни қовураётганда, ёғнинг шишиб тошмаслиги учун, ёғга 10-12 точми сирка кислотаси томизилади. Ишлатилаётган қўшқ, вилка ва пичоқларимиз хиралашиб қолса, тухум пўчоғини қайнатиб, шу сувда асбоблар ярим соат қайнатилса, ялтираб, яна янги ҳолатига келади. Қизил ловия озгина чой содаси солинган сувда 1 соат ивирилса, тезроқ пишади.



Кумуш қишининг зийнати. Даврон АҲМАД сурат-лавахаси.

Об-ҳаво. Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 1 февраль кунги Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади, туман тушади. Фарбдан секундига 2-7 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-4 даража совуқ, кундузи 1-3 даража илқ бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5 даража илқ бўлади. Республикаимизнинг тоғли туманларида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда вақти-вақти билан қули қор ёғади, туман тушади. Қор қўшиқ хавфи бор. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 4-9, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ Ташкентская правда. Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ. Бош муҳаррир: Абдушуҳидов. Телефонлар: 133-40-48, 133-58-85, 136-53-54. Манзиллимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузурдаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.